

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ БД-1.01

2011 йил “8” 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2011 йил
17 сентябрдаги 392-сон буйруғи билан
тасдиқланган

TAJRIBA-SINOV

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
фанидан намунавий
ДАСТУР**

(бакалавр йўналиши учун)

Тошкент - 2011

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги З-сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган.

Ушбу дастур “Ўзбекистон тарихи” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Тажрибавий дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий тарбия” бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Муртазаева Р.Х.	-	тарих фанлари доктори, профессор (ЎзМУ)
Усмонов К.У.	-	тарих фанлари доктори, профессор (ТМИ)
Бобоҷонова Д. Б.	-	тарих фанлари доктори, профессор (ЎзДЖТУ)
Эшов Б.Ж.	-	тарих фанлари доктори (ЎзМУ)

Тақризчилар:

Агзамова Г.А.	-	тарих фанлари доктори (ФА Тарих институти)
Ҳайдаров М.М.	-	тарих фанлари номзоди, доцент (ЎзМУ)

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-услубий кенгashi томонидан тавсия этилган (2011 йил 19 августдаги 1-сон баённома).

КИРИШ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши туфайли халқимизнинг асрий орзуси ушалди, ўз тақдири ва келажагини ўзи яратадиган бўлди. Тарихан қисқа даврда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида кескин бурилиш ясалди. Мамлакатимизни модернизация қилиш, фаол демократик янгиланишларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор ислоҳотлар ўтказилди. Жумладан, ана шу буюк ўзгаришларни асрлар давомида орзу қилган халқимизнинг кўхна тарихига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Зоро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугланган миллатнинг келажаги йўқ”.¹ Айниқса, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асрар ва янада юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мағкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишда Ватан тарихини ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш, бирламчи манбаларга таяниб талқин этиш, келажак авлодга ҳақиқий тарихимизни ўқитиши орқали уларни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тарихида янги давр – мустақил тараққиёт даври бошланди. Халқимиз демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш йўлида дастлабки синовлардан ўтди. Истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Янги жамият қуриш, аввало, ёшларга, уларнинг маънавий дунёси, касб-маҳоратига боғлиқ. Бинобарин, ёш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, уларни Ватан, халқ ва истиқлол тақдири учун ғоявий курашчанлик руҳида тарбиялашда, юксак маънавиятли комил инсон бўлиб шаклланишида, шунингдек, халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида “Ўзбекистон тарихи” фанининг аҳамияти катта. Ушбу фанининг барча олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ҳамда мактабларда ўқитилиши ҳам ана шу юксак аҳамият билан белгиланади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанин ўқитишдан мақсад - ёш авлод онгидаги инсоният учун энг муҳим бўлган маънавиятни шакллантириш ҳамда янада юксалтириш, улар онгидаги юксак маънавий фазилатларни шакллантириш жараёнида миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, тарихий хотиранинг ёшларимизни Ватанга садоқат ҳамда миллатпарварлик руҳида тарбиялашдаги мислсиз аҳамиятини ифода этиш, ўз тақдири ва келажагини барпо этадиган ёш авлодни янги жамиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган ғоялар асосида тарбиялашга қаратилган.

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008. – Б.4.

Фаннинг вазифаси:

- Ватанимиз ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни холисона ҳамда манбаларга таянган ҳолда таҳлил қилиш, ўрганиш, уларнинг сабаблари ва моҳиятини очиб бериш;
- тарихнинг турли даврларида мамлакат иқтисодий ва маданий равнақи учун фидойилик қилган давлат арбоблари, улуғ саркардалар, илм-фан ҳамда маданият намояндлари, миллий қаҳрамонлар фаолиятини холисона баҳолаш асосида ёшларимизни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш;
- тарихий хотира асосида ёшларимизни “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” гояси руҳида тарбиялаш;
- ҳозирги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва жуда кўплаб бўлаётган замонавий ўзгаришлар моҳиятини, хуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидаги янгиликларни, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятга интеграциялашуви жараёнларини ёшларга етказиш.

Ўзбекистон тарихи фани бўйича бакалаврларнинг билими, малакаси ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон тарихи ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамиятини, Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисми эканлигини, ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини билиши керак;
- Ўзбекистон тарихининг асосий давлари ва тараққиётининг тадрижий босқичлари тўғрисида, уларнинг узвий боғлиқлиги ва давомийлиги, тарихий воқеалар ворисийлиги ҳақида тасаввурларга эга бўлиши лозим;
- мустамлакачилик ва қарамлик даврида Ўзбекистоннинг турли соҳалари ривожланишига қарши сиёsat ва уларнинг аянчли оқибатлари, турли давларда истилочиларга ва мустабид тузумга қарши озодлик йўлидаги курашлар ҳамда ватанпарвалик жасоратлари ҳақида билиши, Ватанимизнинг ривожи йўлида фаол иштирок этиш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти билан фахрланиш ҳис-туйғусига эга бўлиши зарур;
- Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши, янгиланиш ва модернизация жараёнлари ҳақида тўлақонли билимга эга бўлиши керак;
- Ўзбекистон тарихида кечган жараёнларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, хулоса чиқара олиши ва ўзининг жамият тарракқиётида тутган ўрнини англаш кўникма ва малакасига эга бўлиши лозим.

Фанинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан кетма-кетлиги

“Ўзбекистон тарихи” фани бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, археология, этнография, нумизматика, маданиятшунослик, диншунослик, фалсафа, иқтисод, география, демография кабилар билан бевосита боғлиқ ҳолда ўрганилади. Фанлараро алоқалардан унумли фойдаланиш, ўзаро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш “Ўзбекистон тарихи” фанинг таълим-тарбия берувчи, маънавиятни юксалтирувчи ва инсон камолоти ҳамда миллат равнақини таъминловчи вазифаларини тўлақонли амалга оширишга хизмат қиласди.

Фанни ўқитишининг интерфаол услублари ва воситалари

1. Ислом Каримов. Асарлар тўплами. Электрон версия.
2. Ислам Каримов. Собрание трудов. Электронная версия.
3. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ёритувчи ўқув фильмлари.
4. “Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида” мавзусидаги фотокўргазма. Фотокўргазма 70 га яқин расм-кўргазмаларни ўз ичига олади.
5. Шахснинг маънавий камолотини белгиловчи фазилатлар акс этган диаграмма ва слайдлар, расмли кўргазмалар.
6. Ўзбекистон тарихи атласи.
7. Ўзбекистон тарихига доир тарихий хариталар.
8. Ўзбекистон тарихига доир схема ва диаграммалар.
9. Жадидлар фаолиятини ёритувчи «Буюк сиймолар» мавзусидаги фото портретлар.
10. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан талабалар иштирокида тайёрланган кўргазмали қуроллар.
11. Темурийлар тарихи давлат музеи, Ўзбекистон тарихи давлат музеи ва жойлардаги бошқа музейларга эксперсионлар ташкил этиш.
12. Мавзулар бўйича тайёрланган тарқатма материаллар.
13. Тестларни компьютерга киритиш орқали талабалар билимини баҳолаш ва бошқалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, уни ўрганишининг назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамияти

Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва тадқиқот обьекти.

Ўзбекистон тарихини ўрганишининг назарий методологик тамойиллари: диалектик метод-холислик, илмийлик, тарихийлик, узвийлик. Ўзбекистон тарихининг жаҳон ҳалқлари тарихи билан боғлиқлиги. Тарихни ўрганишда ворисийлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғояга асосланиш тамойиллари. Тарихни ёритишда миллий қадриятлар, ҳалқ анъаналари ва урфодатлари, диний эътиқодлар, турли ижтимоий табакаларга нисбатан тарихий-маданий тараққиёт нуқтаи назаридан ёндашув.

Ўзбекистон тарихи тарихшунослиги.

Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида бу масалаларнинг ёритилиши. Миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида ёритилиши.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар эканлиги.

Ватан тарихини даврлаштириш.

– “Ўзбекистон тарихи” фанининг ёшларни ҳар томонлама етук, маънавий баркамол, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ахлоқийлик ва меҳнатсеварлик сингари эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашдаги аҳамияти.

Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг ажralmas қисми

Цивилизация тушунчаси. Ўзбекистон қадимги цивилизация ва маданият бешиги. Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар: осори-атиқалар, илк шаҳар ҳаробалари ҳамда буюк фан ва давлат арбоблари, қадимги даврлардан бошлаб тараққий этган илм-фан ривожланган цивилизация бешиги эканлиги.

Инсоннинг пайдо бўлиши хусусидаги қарашлар ва назариялар. Антропогенез жараёни. Инсониятнинг дастлабки аждодлари, уларнинг маконлари. Ватанимиз одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалардан бири эканлиги. Қадимги одамларнинг турмуш тарзи, машғулотлари.

Ибтидоий жамият, уни даврлаштириш ва бу борадаги янгича ёндашувлар. Палеолит (қадимги тош) даври. “Ишбилармон одамлар”, “ақл идрокли одамлар”, энг қадимги ва қадимги одамлар. Уларнинг машғулотлари. Палеолит даври босқичлари. Илк палеолит даври одамлари, уларнинг маконлари: Селунғур, Қоратоғ, Кўлбулоқ. Фергантроп. Ўрта палеолит даври одамлари ва уларнинг маконлари: Тешиктош, Омонқўтон, Обираҳмат, Кўтирибулоқ. Оловнинг кашф этилиши ва унинг аҳамияти. Сўнгги палеолит даври одамлари яшаган маконлар: Самарқанд, Хўжа Гўр, Шуғнов, Қоракамар. Палеолит даври ибтидоий хўжалигидаги ўзгаришлар. Инсонларнинг яратувчанлик фаолияти. Неандертал одами.

Хозирги кўринишдаги ақл-идрокли одамлар (кроманьонлар)нинг шаклланиши. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви. Уругчилик жамоаси - она уруғи жамоасининг шаклланиши ва унинг тараққиёти.

Мезолит (ўрта тош) даври. Бу давр одамларининг маконлари: Мачай, Кўшилиш, Обишир. Марказий Фарғона ёдгорликлари. Ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши ва унинг аҳамияти. Одамларнинг ҳайвонларни қўлга ўргатиши, бошоқли ўсимликларни ўстириш малакаларини ўзлаштира бошлиши. Диний эътиқодлар. Тасвирий санъат. Зараутсой, Сармишсой, Такатош, Тераклисой, Нурота ёдгорликлари.

Неолит (янги тош) даври. Жойтун маданияти. Ўрта Осиёдаги дастлабки дехқончилик манзиллари. Калтаминон маданияти ва унинг босқичлари. Марказий Фарғона неолит даври ёдгорликлари. Ҳисор маданияти. Тош қуролларининг такомиллашуви.

Чорвачилик ва дехқончиликнинг шаклланиши. Ишлаб чиқаришга асосланган хунармандчиликнинг вужудга келиши: қулолчилик, қайиқсозлик, тўқимачилик ва заргарликнинг ривож-ланиши.

Энеолит даври. Саразм, Анов ва Замонбобо маданиятлари. Сунъий сұғоришга асосланган дехқончилик маданияти марказларининг пайдо бўлиши.

Бронза даври, унинг ёдгорликлари: Намозгоҳ, Олтинтепа, Сополлитепа, Тозабоғёб, Амиробод, Чуст маданиятлари. Ватанимиз ҳудудларида ўтрок дехқончиликнинг ривожланиши. Патриархал ота уруғи муносабатларининг юзага келиши.

Бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар. Меҳнатнинг биринчи йирик тақсимоти. Хўжаликларнинг ихтисослашуви. Ўтрок ва кўчманчи аҳоли муносабатлари. Ўрта Осиёда ilk шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши: Олтинтепа, Сополлитепа, Жарқўтон ва бошқалар. Зардуштийлик таълимоти, унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни. Ёзув маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши. Дастребки диний қарашлар. Ўрта Осиё шаҳарларининг жаҳон шаҳарсозлик маданиятида тутган ўрни. “Авесто”. “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”. “Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи. “Авесто”нинг инсоннинг маънавий ҳаётини шакллантиришдаги ўрни.

Азалий миллий маънавиятимиз Наврӯз мисолида. Наврӯз байрами биз учун ҳаёт адабийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саҳоватининг, кўп йиллик миллий қиёфамиз, олийжаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси эканлиги.

Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастребки тараққиёт босқичлари

Давлатчилик тушунчаси. Давлат тузилмаларининг шаклланиш шартшароитлари ва омиллари. Илк шаҳарлар ва давлатчилик тараққиёти ўртасидаги диалектик боғлиқлик. Илк шаҳарлар дастребки давлатларининг асоси.

Ватанимиз ҳудудларида дастребки бошқарув тизимининг шаклланиши. Меҳнат тақсимотининг чукурлашуви, маҳсулот айирбошлаш, хусусий мулк ва турли ижтимоий табақаларнинг вужудга келиши.

Улкамиз ҳудудларида дастребки давлатларнинг ташкил топиши. Илк давлатчилик шакллари хусусидаги мунозаралар.

Қадимги Хоразм давлати. Хоразм хақидаги ёзма ва археологик маълумотлар, ҳудудий чегаралари масалалари. “Катта Хоразм”. Хоразм давлати ўзбек давлатчилигининг қадимий пойдевори эканлиги. Қальвалиқир, Кўзалиқир ва бошқа ёдгорликлар. Хоразм давлатда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Қадимги Бақтрия давлати. Ёзма ва археологик маълумотлар. Бақтриянинг ҳудудий чегаралари. Бақтра, Қизилтепа ва бошқа шаҳарлар. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт. Ташқи иқтисодий ва маданий алоқалар.

Суғд (Суғдиёна) ва унинг ҳудуди. Суғд археологик ва ёзма манбаларда. Кўктепа, Афросиёб, Узунқир, Ерқўргон ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти.

Аҳмонийларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши. Маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши озодлик учун кураши. Тўмарис, Широқ қаҳрамонлиги. Фрада қўзғолони.

Аҳмонийларнинг Ўрта Осиёни маъмурий-бошқарув тартиблари. Сатраплеклар. Солик ундириш тартиби. Иқтисодий ҳаёт. Пул муомаласи.

Юнон-македон қўшинларининг Александр Македонский бошчилигига Ўрта Осиёга юриши. Спитамен бошчилигидаги ҳаракатлар. Юнонлар даврида Бақтрия ва Суғдиёна. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ахволи. Маданий ҳаёт.

Суғдиёна ва Бақтрия юнон-македон сулоласи - салавкийлар ҳукмронлиги остида. Диадотлар ўртасидаги кураш. Янги шаҳарлар қурилиши. Савдо-сотик ва хунармандчиликнинг тараққиёти.

Салавкийлар давлатининг инқизози. Бақтрия давлатининг қайта тикланиши. Диодот ва Евтидемлар сулоласи даврида давлатнинг кенгайиши ва кучайиши. Эллин маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг Ўрта Осиёга ёйилиши. Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро таъсири. Антик давр шаҳарсозлиги. Савдо-сотиқнинг ўсиши.

Фарғона водийсида давлат тузилмасининг шаклланиши. Хитой манбаларида Фарғона водийси ҳақидаги илк маълумотлар. Даван давлати. Унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти. Даван ва Хитой муносабатлари.

Қанғ давлатининг ташкил топиши, Чоч, Кеш, Суғд, Бухоро, Хоразмнинг бирлаштирилиши. Давлат бошқаруви тизими. Хоқон, ябғу (жабғу), ҳоким. Олий кенгаш. Иқтисодий ҳаёти. Ташқи алоқалари.

Хоразмнинг Қанғ давлати тасарруфидан мустақил давлат сифатида ажralиб чиқиши. Афригийлар сулоласи даврида Хоразм. Хоразмшоҳлар. Кат шаҳрининг пойтахт сифатида қайта тикланиши.

Юечжи қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келиши. Кушонлар (гуйшуан) сулоласининг сиёсий ҳокимиятни эгаллаши. Кушонлар томонидан минтақадаги сиёсий уюшмаларнинг бирлаштирилиши. Бақтрияда юнонлар ҳукмронлигининг ағдарилиши. Куджула Кадфиз, Вима Кадфиз, Канишка даврида салтанат ҳудудларининг кенгайиши, давлат қудратининг кучайиши. Кушонлар сулоласи даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Қишлоқ хўжалиги. Суғорма дехқончиликнинг ривожланиши. Шаҳарлар қурилиши. хунармандилик ва савдо-сотик. Танга пулларнинг зарб этилиши. Кушонлар салтанатининг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни.

Маданий – маънавий ҳаёт. Диний эътиқодлар. Оташпаратслик, буддавийлик, монийчиликнинг тарқалиши. Ибодатхоналар. Ҳайкалтарошлик Тасвирий санъат.

Қадимий ёзув маданияти. Оромий ёзуви. Бақтрия, Хоразм, Суғд ёзувларининг Оромий ёзуви таркибидан ажralиб чиқиши. Юнон-Бахтар ёзув.

Буюк ипак йўлининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. «Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», «Ғарбий меридионал йўл». XIX асрнинг иккинчи ярмида «Буюк ипак йўли» атамасининг муомалага киритилиши. Буюк ипак йўли тарихий ривожланиш босқичлари. Амир Темур даврида Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши ва ривожланиши. Ипак йўлининг Ўрта Осиёning ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётидаги ўрни, Шарқ ва Ғарбни боғловчи омил. Буюк географик кашфиётлар даврида ипак йўли мавқеининг пасайиши ва унинг тақдири.

XX аср охирларида дунёдаги турли мамлакатларда Ипак йўли тарихига қизиқишининг ортиб бориши. ЮНЕСКО раҳнамолигида “Буюк ипак йўли” дастурининг ишлаб чиқилиши, унинг вазифалари. Бу дастурнинг амалга ошишида Ўзбекистоннинг фаол иштироки.

Ўзбек халқининг этник шаклланиши

Ўзбек халқи этногенези ва унинг тарихшунослиги. Уруғ, қабила, элат, халқ ва миллат тушунчалари. Ўзбек халқининг этник шаклланиши ва унинг асосий босқичлари. Турон туркий қавмлар қадимдан яшаган худуд эканлиги.

Ўтрок ҳаёт кечирган энг қадимий аҳолининг Хоразм, Бақтрия, Суғд, Паркан, Тоҳаристон, Чочда яшаганлиги. Ҳозирги ўзбек халқининг асосини шу ҳудудларда бир неча минг йиллар давомида яшаб келган массагетлар, саклар, хоразмийлар, баҳтарлар, суғдийлар, тоҳарлар, даванликлар ташкил этганлиги. Турли асрларда бошқа минтақалар қабила ва элатлари билан тубжой аҳоли ўртасида кечган этно-маданий жараёнлар.

Мил.ав. I минг йилликнинг ўрталарида Марказий Осиё ҳудудларидағи этник ва ижтимоий ҳолат. Аҳоли ўртасидаги этник ва маданий муносабатлар. Милодий I минг йиллик ўртасида бу жараённинг янада жонланиши. Турк-суғд симбиози.

IX-XII асрларда қарлуқлар, ўғузлар, қипчоқлар, чигиллар ва бошқа туркий қавмларнинг ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўрни. Эски ўзбек тилига асос бўлмиш қарлуқ-чигил лаҳжасининг ривож топиши ва ёзма адабий тил даражасига кўтарилиши. Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Қутадғу билик», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» асарларининг аҳамияти.

Мўғуллар истилоси, унинг ўзбек халқи этногенезига таъсири.

XV аср охири - XVI асрларда Ўрта Осиёга Даشت Қипчоқ қабилаларининг кириб келиши ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқлашуви.

“Ўзбек” атамаси.

Совет даврида Ўрта Осиёда “миллий давлат чегараланиши”нинг ўтказилиши, Туркистон ўлкасининг этник ва ҳудудий жиҳатдан парчаланиб кетиши. Минтақада Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг ташкил топиши.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик давридаги этник ҳолати ва бу соҳадаги ўзгаришлар. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик.

V-XII асрларда ўзбек давлатчилиги ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт

Хионийлар ва кидарийлар. Ўрта Осиё ҳудудларига кўчманчи қабилаларнинг юришлари. Эрон сосонийлари билан ўзаро муносабатлар.

Эфталийлар. Ўрта Осиёда эфталийлар давлатининг шаклланиши, унинг ҳудудий чегараси. Эфталийлар ва Эрон сосонийлари. Шарқий Эрон ва Шимолий Ҳиндистоннинг эфталийлар давлатига кўшиб олиниши.

Эфталийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Савдо. Ҳунармандчилик. Чорвачилик. Ерга эгалик муносабатлари ва табақаланиш, дехқонлар, кашоварзлар ва кадиварлар. Уларнинг турмуш тарзи ва жамиятда тутган ўрни.

Маздак ҳаракатининг пайдо бўлиши ва унинг асосий ғоялари. Эфталийлар даврида маданият, диний эътиқодлар.

Турк хоқонлигининг вужудга келиши. Бумин ҳоқон. Истами Ябгу ҳоқон. Ҳоқонлик аҳолисининг этник таркиби ва тили. Турк хоқонлиги томонидан Ўрта Осиё ва Уралолди худудларининг забт этилиши.

Турк хоқонлиги даврида мамлакат бошқарув усули. Ҳоқон-давлат бошлиғи. Зодагонлар кенгаши-курултой. Мустақил ҳокимликлар. Ижтимоий табақаланишнинг кучайиши. Абруй қўзғолони. Турк хоқонлигининг икки қисмга бўлинниши. Ўрта Осиё Ғарбий турк хоқонлиги таркибida хўжалик ва ижтимоий ҳаёт.

Араб халифалиги. Халифалар томонидан амалга оширилган истилочилик юришлари. Мовароуннахрнинг Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб кўшини томонидан истило қилиниши. Араб халифалигининг Ўрта Осиёда юритган сиёсати. Бошқарув тизими. Солик сиёсати: хирож, ушр, жизъя, закот, фитр. Аҳолининг мажбуриятлари. Маҳаллий маданиятнинг таъқиб этилиб, араб маданиятининг тарғиб этилиши. Шаҳарларга араб кўшинининг жойлаштирилиши, араб тилининг расмий тилга айлантирилиши.

Араб халифалигидаги ички сулолавий курашнинг ўлкамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири. Абу Муслим бошчилигидаги ҳаракат. Мустамлака зулмининг янада кучайиши. Ғурак ва Деваштич. Ҳалқ ғалаёнлари. Муқанна қўзғолони ва унинг тарихий аҳамияти. Араб халифалигининг заифлашуви.

Ислом динининг ёйилиши. Масжидлар қурилиши. Қуръони-карим – муқаддас китоб. Шариат қонунлари ва ахлоқ-одоб. Ҳадислар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Ислом дини таълимотини ривожлантиришда Ўрта Осиёлик олимларининг хиссаси. Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом ал-Мотуридий. Мустақиллик йилларида диний қадриятларнинг тикланиши.

Алломаларимиз зиёратгоҳларининг обод қилиниши ва ушбу хайрли ишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг улкан хизматининг эътирофи. Маънавий камолотга эришув йўлида муҳаддислар меросининг аҳамияти.

IX аср бошларида Мовароуннахрнинг сиёсий аҳволи. Маҳаллий зодагонлар мавқеининг ўсиши. Тоҳирийлар давлати. Ижтимоий-иктисодий ҳаёт. Тоҳирийлар билан саффорийлар ўртасидаги кураш.

Мовароуннахр вилоятларига Сомонхудот авлодларидан ноиблар тайинланиши. Сомонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши. Исмоил Сомоний ислоҳотлари. Давлатни бошқариш тартиби. Руҳонийлар мавқеи. Бухоронинг ислом дунёсида нуфузли марказга айланиши. Солик сиёсати. Ер-сув муносабатлари. Мулкчилик шакллари. Иқто ва иқтодорлар. Коранда-барзикорлар, уларнинг мажбуриятлари. Шаҳарларнинг ривожланиши. Ҳунармандчилик. Савдо-сотик ишлари. Савдо юшмаларининг ташкил топиши. Карвон савдоси. Карвонсаройлар. Ўзбек давлатчилиги тарихида Сомонийлар сулоласининг тутган ўрни.

Шарқий Туркистон ва Еттисувда Қораҳонийлар давлатининг ташкил топиши. Қораҳонийларнинг Мовароуннахрни қўлга киритиши. Қораҳонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва давлат бошқарув усуллари. Ижтимоий-иктисодий ҳаёт. Агарар муносабатлар. Мулкчилик шакллари, солик сиёсати.

Қорахонийлар давлатининг иккига бўлиниши. Иброҳим Тамғачон. Қорахонийлар мавқеининг заифлашуви.

Хоразмда ҳокимиятнинг африғийлардан маъмунийлар сулоласига ўтиши.

Ғазнавийлар давлати. Сабуктагин ва Маҳмуд Ғазнавий даврида давлатнинг кучайиши. Ички ва ташқи сиёсат.

Ғазнавийлар билан салжуқийлар ўртасидаги тўқнашув. Данданакон жанги. Ғазнавийлар давлатининг инқирози. Салжуқийлар давлати. Низомулмулк ва унинг “Сиёсатнома” асари. Султон Санжар даврида салжуқийлар давлатининг юксалиши. Ижтимоий-иктисодий ахвол. Салжуқийлар давлатининг кучсизланиши. Қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга хужумлари.

Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши. Султон Отсизнинг мустақиллик учун саъии-ҳаракатлари. Султон Такаш фаолияти ва Хоразмшоҳлар давлатининг юксалиши. Муҳаммад Хоразмшоҳ. Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлатининг ўрта аср Шарқида тутган ўрни. Давлат бошқаруви. Солиқлар. Ерга эгалик шакллари. Ўзбек давлатчилиги тарихида Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давлатининг тутган ўрни.

IX-XII асрларда Ўрта Осиё ҳалқлари ҳаётида юз берган уйғониш даври. Фан ва маданиятнинг юксак равнақи

«Уйғониш даври» атамаси. Унинг мазмун ва моҳияти.

IX-XII асрлар Ўрта Осиёда маданий юксалишни таъминлаган омиллар ва шарт-шароитлар. Марказлашган давлатлар ҳукмдорларининг фан ва маданият равнақига эътибори. Шаҳарларнинг маданий марказлар сифатида тараққий этиши. Байт ул-хикма. Хоразмдаги «Маъмун академияси». Хоразм Маъмун академияси 1000 йиллигини юртимиизда кенг нишонланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хоразм Маъмун академияси тўғрисида.

Табиий фанлар. Мусо ал-Хоразмий. Унинг табиий фанлар бўйича баркамол ижоди. «Ал жабр вал муқобала», «Ҳисоб ал-Ҳинд» ва бошқа асарлари. Олимнинг фалакиёт фани ривожига қўшган ҳиссаси. Ал-Фарғоний. Унинг XII асрда ёқ Европада машҳур бўлиши ҳамда табиий фанлар (математика, астрономия, география) ривожига қўшган буюк ҳиссаси. Абу Райҳон Беруний. Унинг табиат фалсафаси ва табиий фанлар билан қизиқиши. «Геодезия», «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» асарлари. Абу Али ибн Сино. Олимнинг тиббиёт соҳасидаги ютуқлари. «Тиб қонунлари». Табиий фанлар соҳасида фаолият юритган бошқа олимлар.

Ижтимоий фанлар. Ал-Фаробий буюк қомусий олим. Олимнинг тарихий-фалсафий асарлари. «Фозил одамлар шаҳри», «Фалсафанинг моҳияти ҳақида китоб» ва бошқ. Абу Бакр Наршахий. Олимнинг «Тарихи Бухоро» асарлари. Рудакий форс-тожик адабиётининг асосчиларидан бири.

IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик. Ислом динини тарғиб этувчи марказлар. Имом Бухорий. «Ал-Жомеъ», «Ас-Саҳиҳ». Ҳадислар таснифи. Имом Термизий. «Жомеъ ат-Термизий». Сўфийлик ғояси. Юсуф Ҳамадоний. Аллома таълимотида ватанпарварлик ғоялари.

Аҳмад Яссавий. Сўфийликнинг Яссавия тариқати ва унинг асослари. «Девони ҳикмат». Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Нажмиддин Кубро.

Сўфийликдаги Кубровия оқими. Кубровия қонун қоидалари. Нақшбандия тариқати. Юртимиз буюк алломалари юксак маънавий жасорат соҳиблари. Мустақиллик йилларида ўлкамизда улуғ алломалар меросини ўрганилиши. Ушбу зотлар таваллуд ёшларини жаҳон миқёсида нишонланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида буюк алломалар фаолиятининг акс этиши.

IX-XII асрларда меъморчилик ва санъат. Курилиш тартиби. Шаҳарлар меъморчилиги. Маҳобатли қурилишлар. Исмоил Сомоний мақбараси. Масжидлар. Мағоки Атторон. Чорустун. Чилдухтарон. Саройлар. Мовароуннахр меъморий мактабининг ўзига хос хусусиятлари. Наққошлиқ ва тасвирий санъат. Мусика санъати.

Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди – Ватан ҳимоячиси

Чингизхон (Темучин)нинг мўғулларни бирлаштириб, кучли давлат тузиши. "Ясоқ" қонунлари. Чингизхон ва Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасидаги элчилик муносабатлари. Баҳовуддин Розий. Ўтрор воқеаси. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари. Чингизхоннинг ҳарбий режаси. Мўғуллар ҳужуми арафасида Хоразмшоҳлар давлатидаги вазият. Урганч кенгаши. Ўтрор мудофааси. Хўжанд қамали. Темур Малик жасорати. Бухоро ва Самарқанднинг босиб олиниши. Термизнинг забт этилиши. Гурганж (Урганч) қамали. Нажмиддин Кубро жасорати. Хоразмшоҳ қўшинларининг мағлубияти, унинг сабаблари. Жалолиддин Мангуберди-Ватан ҳимоячиси. Унинг Хуросондаги фаолияти. Парвон даштидаги жанг. Синд жанги. Жалолиддин Мангубердининг Ўрта Шарқдаги фаолияти. Мўғул истилоси ва зулмига қарши курашнинг давом эттирилиши.

Чифатой улусининг ташкил топиши. Бошқарув тартиби. Маҳмуд Ялавоч. Солиқлар. Зулмнинг кучайиши. Маҳмуд Торобий қўзғолони, унинг тарихий аҳамияти. Мъясудбекнинг ноиб этиб тайинланиши.

Чингизийлар орасидаги ички кураш ва унинг Чифатой улусига таъсири. Кебекхоннинг маъмурий ва пул ислоҳотлари. Чифатой хонларининг исломни қабул қилиши. Қозонхон даврида ҳокимият учун ички курашнинг кучайиши. Ҳокимиятнинг амир Қозонхон қўлига ўтиши. Чифатой улусининг парокандаликка учраши.

Маданий ҳаёт. Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Румий. Бурҳониддин Рабғузий, Баҳоуддин Нақшбанд.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт

XIV аср ўрталарида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият.

Амир Темур Мовароуннахр сиёсий кураш майдонида. Амир Темурнинг Амир Ҳусайн билан иттифоқи. Уларнинг мўғул ҳукмдори Илёсҳўжага қарши кураши. Лой жанги, Илёсҳўжанинг Самарқандга юриши.

Сарбадорлар харакати. Мўғулларнинг чекиниши. Ҳусайн ва Темурнинг Самарқандни эгаллаши. Улар ўртасида ўзаро низонинг кучайиши ва унинг сабаблари.

Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши. Самарқанд – Амир Темур давлатининг пойтахти. Амир Темурнинг мамлакатни бирлаштириш ва марказлашган кучли давлат тузишдаги тарихий хизмати.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари. Эрон ва Кавказорти ўлкаларининг забт этилиши. Темурнинг Олтин Ўрдага юриши. Тўхтамишнинг тор-мор этилиши. Темурнинг Ҳиндистонга юриши. Амир Темурнинг Кичик Осиёга юриши. Усмонийлар султони Йилдирим Боязиднинг тор-мор қилиниши. Амир Темур империясининг чегаралари. Амир Темур - буюк давлат арбоби, машҳур саркарда. Унинг ҳарбий ва сиёсий фаолияти таҳлили. “Куч - адолатда” шиорининг мазмуни-моҳияти. Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон тарихида тутган ўрни. Соҳибқирон Амир Темур миллатимиз ғурури ва фахри. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Амир Темурнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни тўғрисида.

Амир Темурнинг маънавий раҳнамолари. Шамсиддин Кулол, Сайд Барака, Зайниддин Тайободийнинг Темур фаолиятига таъсири. Давлат сиёсатида ислом динининг роли. Салтанатни бошқариш тизими. Қўшиннинг тузилиши ва ҳарбий интизом. Солиқ сиёсати. “Темур тузуклари” – давлат бошқарув ишидаги муҳим манба сифатида. Мамлакатни бошқаришнинг суюргол усули.

Хўжалик ва маданий ҳаёт. Солиқ сиёсати ва мажбуриятлар. Тижорат ишлари. Фан ва маданиятга ҳомийлик. Шаҳарларнинг обод қилиниши. Самарқанддаги меъморчилик ишлари, боғ ва сайлгоҳларнинг яратилиши.

Амир Темур вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасида тожу-таҳт учун ички курашлар. Марказлашган давлатнинг парчаланиши. Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида темурийлар салтанати.

Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги. Ички ва ташки сиёsat. Мирзо Улуғбек даврида маданият, илм-фан ва адабиёт равнақи. Улуғбек академияси. Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи. Миниатюра санъати. Камолиддин Беҳзод. Тарихнавислик. Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Мирхонд, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий. Мустақиллик йилларида Мирзо Улуғбек меросининг ўрганилиши. Ўзбек халқи маънавий меросида Улуғбекнинг тутган ўрни.

Улуғбекка қарши бўлган муҳолифат кучлар. Темурийлар ўртасидаги ички курашларнинг авж олиши. Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилиши. Мовароуннаҳрда Абусаид ва унинг ўғиллари, Хурсонда Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги. XVI асрнинг иккинчи ярмида фан, адабиёт ва маданият. Алишер Навоийнинг сиёсий ва адабий фаолияти. Маънавий баркамол шахс тарбиясида Навоий ижодининг аҳамияти. Адабий муҳит. Лутфий, Саккокий, Жомий. Ўзбек тилининг такомиллашуви.

Ўзбекистон худудларининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари

Тарихий ёзма манбалар. Муҳаммад Шайбонийхон юриши. Бобурнинг Шайбонийхон билан тўқнашуви. Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг шайбонийлар томонидан босиб олиниши ва шайбонийлар сулоласи Мовароуннаҳрга ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

Шайбонийлар сулоласининг бошқарув тизими. Мамлакатнинг сulton-лар ва бекларга бўлиб берилиши. Амалдорлар ва беклар мавқеининг кучайиши, марказий давлат ҳокимиятининг заифлашуви. Дастребки Шайбонийлар даврида маданий ҳаёт.

Бухоро хонлигининг ташкил топиши. Абдуллахон II. Унинг мамлакатни марказлаштиришга кўрсатилган ҳаракатлари Ободонлаштириш, мадраса, мачит, янги иморатлар, суғориш иншоотларини куриш ишлари.

Бухоро хонлигига аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи. Солиқ сиёсати. Ҳунармандчилик. Ички ва ташки савдо. Пул муомаласи. Таш-қи алоқаларнинг асосий йўналишлари. Мамлакатда ички кураш, тарқоқликтининг кучайиши ва унинг асосий сабаблари.

Маданий ҳаёт ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Бухоро хонлигига ҳокимиятнинг манғит амирлари қўлига ўтиши. Манғитлар даврида Бухоро амирлигининг ижтимоий ва давлат тузуми. Қишлоқ хўжалигининг аҳволи. Тижорат ишлари. Ҳунармандчилик. Маъмуриятчилик, зўравонлик ва ўзбошимчаликнинг кучайиши. Бухоро ва Хива ўртасидаги урушлар ва уларнинг оғир оқибатлари. Иқтисодиётнинг тушкунлиги. Ҳалқ ғалаёнлари. Бухоро ва Россия муносабатлари.

Бухоро амирлигига маданий ҳаёт. Бухоро - ислом ва маърифат маркази. Мактаб ва мадрасалар. Қозилар, масжид имомлари, мударрисларнинг тайёрланиши. Адабий ҳаёт ва Бухорода тарихнависликнинг ривожи Мушфиқий, Насафий, Турди, Хафиз, Таниш Бухорий ва бошқалар. Меъморчилик ва шаҳарсозлик.

Хива хонлигининг ташкил топиши. Шайбонийларнинг Хивадаги ҳукмронлиги. Элбарсхон, Абулғозихон, Анушохон. Кўнғирот сулоласининг ҳокимият тепасига келиши. Муҳаммад Раҳимхон даврида хонлик чегараларининг кенгайтирилиши. Ижтимоий-иқтисодий, маданий ахвол. Тижорат ишлари. Меъморчилик. Қорақалпоқларнинг ижтиимоий-иқтисодий ҳаёти. Қорақалпоқ ҳалқи маданияти.

Хиванинг Россия билан алоқалари. А.Бекович-Черкасский ва Никифоров дипломатик миссиялари.

XVIII асрда Фарғона водийсидаги сиёсий вазият. Ўзбекларнинг минг уруғидан бўлган Шоҳруҳбий томонидан Кўқон хонлигига асос солиниши. Хонликнинг худуди ва аҳолиси, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти. Муҳаммад Алихон даврида хонлик чегараларининг кенгайтирилиши. Бухоро амири Насрулло билан Кўқон хонлиги ўртасидаги урушлар ва уларнинг оқибати. Кўқон хонлигидаги ички кураш. Ҳалқ норозилигининг кучайиши.

Кўқон хонлигига маданий ҳаёт. Машраб, Увайсий, Нодирабегим, Маҳмур, Гулханий. Санъат. Меъморчилик. Хонликлардаги сиёсий-ҳуқуқий билим ва диний дунёқарашнинг жамият маънавий, моддий ҳаётидаги ўрни.

Ўзбек хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик зулмiga қарши миллий озодлик ҳаракати. Жадидчилик.

Мавзу тарихшунослиги. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ўзаро муносабатлари. Ўрта Осиё масаласида Англия билан Россия ўртасидаги рақобат.

Россия империяси қўшинларининг Кўқон хонлиги ҳудудларига ҳужуми. Оқмачит, Сўзак, Авлиёота (Жамбул), Туркистон, Чимкент шаҳарларининг забт этилиши. Тошкент мудофааси, унинг босиб олиниши. Жиззах, Ўратепа учун жанглар. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши. Кауфманнинг Бухорога юриши. Самарқанднинг забт этилиши. Зирабулоқ ёнидаги жанг, амир қўшинларининг мағлубияти. Самарқанд ва Каттақўргоннинг Бухоро амирлигидан тортиб олиниши. Бухоро амирлигининг Россия империяси вассалига айлантирилиши.

Кауфманнинг Хива хонлигига босқинчилик юриши. Хазорасп, Хўжайли, Қўнғиротнинг забт этилиши. Гандимиён шартномаси. Хива хонлигининг Россия империяси вассалига айлантирилиши. Амударё бўлимининг ташкил этилиши.

Кўқон хонлигига сиёсий танглик. Халқ қўзғолонлари. Пўлатхон, Насриддинбек. Россия империяси томонидан Кўқон хонлигининг босиб олиниши ва хонликнинг тугатилиши. Фарғона вилоятининг ташкил этилиши.

Россия империясининг ўлкамиздаги мустамлакачилик сиёсати. Мустамлакачилик бошқарув тизими, 1886 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» ва маъмуриятчиликнинг кучайиши. Ҳарбий бошқарув тартиби. Ўлканинг вилоятлар, уездлар, волостлар, участкаларга бўлиб бошқарилиши. Тошкент шаҳар Думаси.

Россия империясининг ўлкамизда иқтисодий ҳукмронликни ўрнатиш тадбирлари. Россия саноат ва молия капиталининг ҳукмронлиги. Тижорат ишлари. Темир йўл, завод ва фабрикалар қурилиши. Агарар сиёсат.

Россия аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати. Маҳаллий аҳолининг унумдор ерлардан сиқиб чиқарилиши.

Мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган маданий ва маърифий сиёсат. Рус-тузем мактаблари. Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги чор Россияси зулми остида.

Россия империясининг мустамлакачилик зулмiga қарши миллий озодлик ҳаракатининг бошланиши, унинг босқичлари. Фарғона водийсидаги халқ ҳаракатлари. Тошкент қўзғолони. Андижон қўзғолони ва б.

Жадидлар ҳаракатининг юзага келиши. Унинг атоқли вакиллари: И.Гаспирали, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, А.Авлоний, А.Фитрат. Уларнинг ижтимоий-сиёсий қараашлари. Жадид маорифи, адабиёти, матбуоти, театри. Маданий-маърифий ва хайрия жамиятлари. Дин ва динга муносабат масалалари.

Биринчи жаҳон урушининг ўлка ҳаётига салбий таъсири. Россия империяси маҳаллий аҳолини фронт орқасидаги ишларга сафарбар этиш сиёсати. Мехнаткаш аҳоли норозилигининг кучайиши. 1916 йилги халқ қўзғолони ва унинг характеристи.

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат

Россияда 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби, подшо ҳокимиятининг ағдарилиши, унинг ўлкамизга таъсири. Ишчи ва аскар депутатлари совети, мусулмон меҳнаткашлари шўроси, Россия Муваққат ҳукумати Туркистон қўмитасининг тузилиши. Жадидларнинг фаоллашуви. «Шўрои исломия», «Шўрои уламо» ташкилотларининг тузилиши ва уларнинг фаолияти. Умумтуркистон мусулмонларининг қурултойлари. Жадид матбуот органлари.

Тошкент ҳамда ўлканинг бошқа шаҳарларида советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Советларнинг III ўлка қурултойи, унда тузилган ҳукумат таркиби ва қабул қилинган қарорларда улуғ давлатчилик, маҳаллий аҳолини камситиш руҳининг ифодаланиши.

Ўлка мусулмонларининг Кўқонда чақирилган фавқулодда IV қурултойи. Туркистон муҳториятининг ташкил этилиши. Большевиклар ҳокимиятининг маҳаллий халқ иродасига қарши чиқиши ва катта қўшин билан Кўқонга ҳужум қилиши. Кўқон фожеаси. Туркистон муҳтор ҳукуматининг ағдарилиши.

Туркистон АССРнинг тузилиши. Турккомиссия. Ҳарбий коммунизм сиёсати.

Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг бошланиши, унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари. Мадаминбек, Эргаш ва бошқа қўрбошилар.

Хива хонлигига ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. Хива хонлигининг заифлашуви. Жунаидхон. «Ёш хиваликлар» ташкилоти. Советлар ҳокимияти қизил армиясининг Жунаидхонга қарши юриши. Хива хонлигининг ағдарилиши. «Хоразм Халқ Совет Республикаси»нинг тузилиши.

